# ОШКОРАЛИК АСОСИЙ МЕЗОН

(Боши 1-бетда)

Сайловлар тўғрисидги қонунларга киритилган айрим ўзгартиришлар ҳам айнан сайловларни янада демократик ўтишини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Вакиллик органларига сайловларда мавжуд қоидаларга қўшимча тарзда фуқароларга ҳам номзод кўрсатиш ҳуқуқи берилди. Мазкур нормага асосан фуқаролар 100 нафар сайловчидан иборат ташаббускор гуруҳ тузиши ва ўзлари танлашган номзодни қонунда белгиланган тартибда кўрсатишлари мумкин.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг охирги сессиясида қабул қилинган қонун билан барча номзодларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларидан тенг фойдаланиш ҳуқуқи, ўз сайловчилари билан ҳам йиғилишларда, ҳам сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқлар берилди.

Шу пайтгача муайян сиёсий партиядан кўрсатилган ҳамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг камида беш фоиз овозини тўпламаган бўлсалар, вакиллик органларига депутат этиб рўйхатга олинмайдилар деган қоида мавжуд эди.

Ушбу норманинг қонунлардан чиқариб ташланиши кўппартиявийликка асосланган сайловлардаги яна бир демократик қадам бўлиб ҳисобланади.

Сайловларни ўтказишда Марказий сайлов комиссиясининг роли ниҳоятда катта бўлиб, у ўзининг бутун фаолияти билан сайлов тизимининг демократик тамойилларини амалга оширишга кўмаклашишга сайловчиларнинг ўз хоҳиш иродасини эркин билдириши имкониятини яратишга ва сайлов жараёнларида адолат мезонларининг бузилиши ҳолатларининг олдини олиш мақсадида ошкораликни таъминлашга даъват этилган.

Сайловларга оид қонунларга киритилган яна бир муҳим ўзгариш, сайловнинг адолатли ўтишини таъминловчи омилсайловнинг барча жараёнларида назоратни кучайтиришга қаратилди.

Бу ҳам бўлса қонунларда сайловнинг ошкора ўтишини таъминловчи қоидалар янада кучайтирилиб, уларда кузатувчилар фаолияти кенгроқ мустаҳкамланди, уларнинг ваколат доираси аниқ белгилаб қўйилди.

Сайловларда ошкоралик масаласига батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, қонунларимизда сайловни ошкора тарзда ўтказилишини белгиловчи махсус ҳуқуқий нормалар мустаҳкамлаб қўйилганлигини эътироф этиш зарур бўлади.

Қонунлар сайлов комиссияларига фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган манзили ва иш вақтидан воқиф этиш, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништириш, депутатликка номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилиш мажбуриятларини юклайди.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Шу ўринда яқиндагина Марказий сайлов комиссияси ҳузурида ташкил этилган Матбуот маркази фаолияти ҳам айнан шу мақсадларга қаратилганлигини айтиб ўтиш лозимдир.

Сайловларга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, ҳокимият вакиллик органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиши ҳуқуқларининг қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилганлиги ҳам сайловларда ошкораликни таъминловчи энг муҳим воситалардан ҳисобланади.

Қонунларда кузатувчиларнинг ваколат доираси ҳам аниқ белгиланган, жумладан улар депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, сайлов комиссияларининг мажлисларида ва сайлов комиссиясининг баённларини тузишда ҳозир бўлиш, сайлов участкасида тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш, сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхаларини сўраш ва олиш, мабодо қонун бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, кузатувлари тўғрисида юқори сайлов комиссиясига маълум қилиш ҳуқуқларига эгадирлар.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, мамлакатимизда сайловларни энг демократик мезонлар асосида ўтказиш учун етарлича ҳуқуқий база яратилган.

Энг муҳими Президентимиз Олий Мажлиснинг XV сессиясида таъкидлаганидек, «... ҳар қайси овоз берадиган инсон—у кимга овоз беришидан катъий назар,... аввало ўз хоҳиш иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин», деган даъватига ҳар биримиз қатъий амал қилган тақдиримизда бўлажак сайловларни кўтаринки руҳда, ташкилий жиҳатдан уюшган ва юқори савияда ўтказилишига пухта замин яратган бўламиз.

**Қўчқор ТОҒАЕВ,**
**Самарқанд вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғи.**

# ЧЎЛДА ТОПИЛГАН ОБРЎ

Бугунги пахтазорларда қайноқ ҳаёт кечаётган дамда йўлимиз Жиззах вилоятининг Арнасой туманига тушди. Буни қарангки, бу ерда бўлган кунимиз ўқитувчилар ва мураббийлар куни нишонланаётган экан. Терим мавсуми эмасми, байрам тушликда қисқагина бўлиб, яна ҳамма иш-ишига, вилоятнинг Ғаллаорол туманидан келган ҳашарчилар эса пахтазор томон йўл олдилар.

Туман ҳокими истиқлолимизнинг 8 йиллиги байрами кунлари шуҳрат медалига сазовор бўлган Райим Есинқулов бу йилги пахта ҳосилининг мўллигини, деҳқонларнинг шашти баландлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Тумандаги Бобо Файзиев, Мирзо Улуғбек номли фермерлар уюшмаларида бўлганмизда, ҳокимнинг юқоридаги фикрлари нечоғли тўғри эканлигига, яна бир карра ишондик.

— Бу йилги байрам туман халқ таълими жамоаси учун қўшалоқ бўлди, дейди халқ таълими бўлими мудири Шаҳри Бердиева, — Ғафур Ғулом номли мактабимиз директори Исоқ Жавлонов Президентимиз фармони билан «Дўстлик» ордени олди.

**ҚИШЛОҚ ОДАМЛАРИ**

Исоқ ака раҳбарлик қилаётган мактабда 742 ўқувчи сабоқ олади. Ҳозир мактабнинг юқори синф ўқувчилари теримда иштирок этаяпти. Кунлик маълумотга кўз югуртирамиз. Ғафур Ғулом номли мактаб ўқувчилари теримда юқори натижаларни кўрсатаётгани акс этган. Агар бошқа мактаб ўқувчилари ҳар куни 40—50 килограммдан оқ олтин териб хирмонга тўкаётган бўлса, Исоқ аканинг ўқувчилари 70—80 килограммдан пахта теришга эришишмоқда. Хўш, бунинг боиси нимадан? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Ғафур Ғулом номли 5-ўрта мактабга йўл олдик.

Замонавий типда қурилган мактаб яхши жиҳозланган. Спорт иншоотлари ҳам кишининг ҳавасини келтиради. Аммо, сувнинг йўқлиги атрофни яшилликка буркашга халақит бермоқда. Исоқ ака шу мактабда 20 йилдан бери директор. 1976 йилдан институтни битириб, тўғри йўлланма билан чўлдаги шу мактабга келган. Аввал ўқитувчи, директор ўринбосари, сўнг, 1979 йилдан ҳозиргача раҳбарлик қилиш билан бирга математика фанидан дарс беради.

Бу ерда ўқувчиларга инглиз ва тарих фанлари бўйича кучайтирилган синфлар ташкил этилган. Республикамизга яхши таниш полвон Бобомурод Файзиев ҳам шу мактабда ўқиган. Шу боисми, ўқувчиларнинг спортга бўлган қизиқиши яхши. Шу йил улар «Қувноқ стартлар» мусобақасида қатнашиб, мамлакатимизда 3-ўринни олиши ҳам бежиз эмас. Исоқ аканинг хонасида тахлам-тахлам «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти», «Халқ сўзи» «Маърифат» газеталари, кўплаб журналларни кўрдик. Деярли ҳамма газета журналларга обуна бўлгансиз чоғи?, дея у кишига юзландик.

— Ахир бугуннинг одами газета-журнал ўқимаса бўладими? Ҳаёт жуда шиддат билан олдинга, яхшиликка қараб ўзгаряпти. Биргина мен эмас, ўқитувчилар ва ўқувчиларим ҳам газета-журналларга обуна бўлишни канда қилишмайди. Нимага эришган бўлсам, кўп ўқишим орқали, деб ўйлайман. Шунинг учун 2000 йилга обунани ҳам муваффақиятли ўтказишга киришдик.

Яна бир гап. Исоқ Жавлонов «Камол» фермер хўжалиги раиси. Оила — аъзолари билан 30 гектар ерга деҳқончилик қилишади. Турмуш ўртоғи, уч ўғил, уч қизи билан 17 гектар майдондан яхшигина даромад қилибди. 13 гектар майдондаги пахтадан биринчи теримдаёқ 17 сентябрь куни 32 тонна ўрнига 35 тонна пахта териб топшириб, режани ошириб уддалади. Ҳали далада ҳосил мўл. Исоқ ака гектаридан 40 центнердан ҳосил териб олиш мумкинлигини чўлда исботламоқчи.

Ҳа, биз Исоқ Жавлоновнинг чўлда топган обрўси фақат меҳнат, фидойилик билангина эканлигини ич-ичимиздан ҳис қилдик.

**Эркин ЭСИРГАДИЕВ,**
**журналист.**

# ТАЖРИБА МОҲИЯТИ

(Боши 1-бетда)

йили биринчилар қаторида бажариб келади. Бу йил 19 сентябрдаёқ марра эгалланди. Тайёрлов пунктига 196 тонна хом ашё топширилди. Режа 18 иш кунида уддаланди. Бригада заршунослари яна 60 тонна ёки 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 10 центнердан жавоҳир йиғиштириб олиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Хўжалик режаси бажарилган кунгача Р. Ёзтурдиева бригадасида режадан ортиқ 40 тонна пахта тайёрланди. 15-бригаданинг 23 гектарлик майдонида «Наманган-77» ғўза навининг элита уруғи парваришланди. Бу ердан олинган ҳосил мутахассисларнинг мўлжалларидан ҳам ортиқ бўлди.

— Бундай катта ютуқнинг сир-асрори нимада? — деб хўжалик раҳбари Эргаш ака Жумаевдан сўрадик. Сўнг ниятимизни ойдинлаштириш мақсадида яна қуйидаги саволларни бердик: — Тумандаги қўшни хўжаликлар режаларини 50-60 фоизга етказган кезлари сиз сентябр ойидаёқ пахта тайёрлаш топшириғини ўринлатдингиз. Улар билан бир ариқдан сув ичсангиз-да, натижалар нима учун турлича? Кўкламги ёмғирлар, ёздаги гармсел сизнинг хўжалигингизда ҳам бўлдику? Қандай технология қўллайсиз, ғўза парваришида?

— Бу технологиянинг ҳеч қандай сир-асрори йўқ, — деб жавоб берди раис. — Ғўза нави муаллифи ҳамда пахтачилик институти мутахассислари тавсияси асосида қўлни-қўлга бериб ишлаймиз. Бизнинг шароитимизда гектаридан 35-40 центнер ҳосил олиш учун ноябрь ойида 35-40 см чуқурликда икки ярусли плуг билан шудгор қилиш бегона ўтларга қарши курашишда жуда қўл келади. Бундай шудгор эрта баҳордаги агротадбирлар, тупроқни чигит экишга тайёрлаш, шунингдек уни қийғос, бир текис соғлом ундириб олиш, ўсув даврида ғўзаларнинг ривожланишида ва эртапишар юқори ҳосил тўплашда асосий тадбир ҳисобланади. Шудгордан олдин ерга фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 70 фоизга яқинини, калийли ўғитларнинг 50 фоизга яқини солинади.

Яна шуни айтишим лозим, баҳорги экиш даврида далада қилинадиган ишларнинг барчасини биз кузда бажарамиз. Чунки ёғин-сочин ўтгандан сўнг баҳорда бу ишларни амалга оширишда ер жуда зичлашиб кетади. Менинг фикримча, чигитни эрта қийғос ундириб олиш учун енгил сув билан тупроқни намлаб олиш керак. Кўпинча намни сақлаш ва бегона ўтларга қарши курашда универсал борона ишлатамиз.

Пуштага МПТ-4 мослама билан СХУ-4, шунингдек, СЧХ-4 ва СТХ-4 сеялкаларнинг ғилдираги пушта баландлигида пастга тушадиган қилиб бир оз такомиллаштирилиб чигит экилди. Шу йилнинг 15 апрелигача чигит экиб бўлинди. Ойнинг охирига келиб барча майдонларда соғлом ниҳоллар ундириб олдик. Дастлабки икки чинбарг чиқарганда ягана қилдик. 10 майгача азотли ва фосфорли ўғитлар бериб биринчи туркум ишловни ўтказдик. Шоналаш даврида азотли ва калийли ўғитлар бериб, иккинчи туркум ишловни адо этдик. Ғўзани ўғитлашни июнь ойининг учинчи ўн кунлигида тугалладик. Жами ҳар гектар ерга тавсияларда кўрсатилгандек соф модда ҳисобида 240 кг фосфор, 120 кг калий ишлатдик.

Биласиз, экин парваришида суғориш катта аҳамиятга эга. 700-800 куб метр меъёрда 12 соат давомида биринчи сувни бердик. Иккинчи сув 36 соат давомида 900-1000 куб метр ҳажмида эгатларга таралди. Тупроқ шароитига қараб, ўсимлик жами 5-6 марта суғорилди. Ҳосил тугиш даврида ғўзаларга узоқ муддат сув қуйдик.

Экишда фақат биринчи синф уруғлик сарфлагандик. Уруғ 4-5 см чуқурликда тушишига эътибор бердик. Ерга чигит бир хил чуқурликка тушиши ҳамда қаторлар тўғри чиқиши шарт. Элита уруғи ва биринчи репродукция чигити етиштириш учун ҳар гектарда туп қалинлиги ҳам жуда муҳимдир.

Раис гапларини эшита туриб, далага назар ташлаймиз. Ҳали ҳосил кўп, — деймиз суҳбатдошимизга.

— Ҳа, — дейди Эргаш ака, — ҳосилдорликни 45 центнергача етказмоқчимиз. Хўжалик бошқаруви аъзолари билан маслаҳатлашиб, қўшимча равишда яна 1000 тонна пахта топширишга қарор қилдик.

**Ренат НАЗАРОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**
**Эркин ШАРОПОВ,**
**қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.**

# ҚАҲРАМОННИНГ ОРЗУЛАРИ



**«Зар қадрини заргар билади» дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, бу мақол заҳматкаш, ўз ишининг билимдони Отахон Аламатов сингари меҳнаткаш деҳқонларга нисбатан айтилган бўлса, ажаб эмас. Тажрибали пахтакор Отахон Аламатов қарийб 40 йилдирки пахта билан тиллашиб келмоқда. Эрта тонгдан то кечга қадар пахтазору ғаллазорларни кезади. Оппоқ очилган оқ олтин билан сўзлашади, кўм-кўк майса бўлиб ётган буғдойзорлар билан сирлашади.**

**Инсон қадрини, обрўсини ҳалол меҳнат оширажагини Отахон ака ҳаёти тўла тасдиқлайди. У кўпдан бери Марҳамат туманидаги Умурзоқ Қорабоев номли жамоа хўжалигининг 10-бригадасига бошчилик қилиб келмоқда. Отахон ака жорий йилда 120 гектар майдонда деҳқончилик қилди. Бу йил бригада 70 гектар ғалла майдонидан юқори ҳосил олди. 50 гектар ерга экилган пахта режасини ортиғи билан уддалади.**

**Отахон Аламатовнинг ҳалол меҳнати зое кетмади. Ҳукуматимиз Отахон аканинг кўп йиллик хизматларини эътиборга олиб, уни «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган шарафли унвон билан тақдирлади.**

**Айни кунларда ишбилармон бригадир бу юксак унвонни шараф билан оқлаш, оқ олтиннинг бир мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай териб олиш учун ғайратига ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқда.**

СУРАТДА: Отахон Аламатов ва ўғли Муҳаммадраҳим.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.



***СУРАТДА: Норин туманидаги «Норин» ширкат хўжалигининг пешқадам теримчиси Ҳалима Раҳимова. У ҳар куни хирмонга 130—150 килограммдан оқ олтин териб тўкмоқда.***

***Т. МАҲКАМОВ олган сурат.***

## ХИРМОНГА БАРАКА

**пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида**
**1999 йил 14 октябрга бўлган**
**МАЪЛУМОТ**

| вилоятлар: | Топшириққа нисбатан фоиз ҳисобида | |
|---|---|---|
| | бир кунда | мавсум бошидан |
| Андижон | 1.18 | 94.00 |
| Бухоро | 1.41 | 85.49 |
| Самарқанд | 2.39 | 83.80 |
| Навоий | 1.64 | 83.52 |
| Хоразм | 1.77 | 81.00 |
| Тошкент | 3.39 | 74.17 |
| Қашқадарё | 1.47 | 74.08 |
| Фарғона | 1.01 | 73.99 |
| Сурхондарё | 0.98 | 68.55 |
| Наманган | 1.39 | 67.04 |
| Жиззах | 3.47 | 66.14 |
| Сирдарё | 2.96 | 61.95 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 0.87 | 49.89 |
| **Ўзбекистон Республикаси бўйича** | **1.76** | **73.77** |
| **Тонна ҳисобида** | **70734** | **2950979** |

# ДОНИНГ БЎЛСА, ДАВЛАТИНГ БУТ

**МУЛОҚОТ**

«Донинг борми — давлатинг бут» дейишади доим ота-боболаримиз. Ўйлаб кўрилса, бу гапда маъно кўп. Чунки дастурхонимизни кунда безайдиган турли хил нону, ўнлаб пишириқ ва таомлар оппоқ ундан тайёрланади. Айниқса, нон шундай улуғ неъматки, у инсон меъдасига ҳеч тегмайдиган насибадир.

Қашқадарёда бу йил мўл ғалла етиштирилди. Ҳосилни қабул қилиб олувчи жойларда, қайта ишлаш корхоналарида иш қизигандан қизиди. Шаҳар ва қишлоқлардаги бозорлар, дўконларни вилоят корхоналарида ишлаб чиқарилган тотли нонлару хилма-хил макарон маҳсулотлари тўлдирди. Илгари шундай сифатли, эзилмайдиган, мазали макаронлар фақат четдан келтирилар эди. Мана энди «ўзингдан чиққанига нима етсин» деб ёшу қари хурсанд. Бунда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш жуда қўл келмоқда.

Хуллас, вилоятда бу борада амалга оширилаётган ибратли ишлар кўп. Шулар ҳақида батафсил суҳбатлашиш ниятида «Қашқадарёдонмаҳсулот» ишлаб чиқарувчиларнинг акционерлик уюшмаси раиси Муродилла ака Ибодов ҳузурида бўлдик.

— Президентимиз доим чет эл инвестициясини юртимизга кўплаб жалб этиш зарурлигини куюниб таъкидлаяптилар. Дарҳақиқат, иқтисодиётимизни янада ривожлантиришнинг энг муҳим воситаларидан бири шу. Изланган албатта имконни топади, дейдилар. Яқинда «Дунё-М» ҳиссадорлик жамиятида Италиянинг «Технагри-Прожект» фирмасидан макарон ишлаб чиқарадиган ускуналар келтирилиб ишга туширилди. Ҳозир аҳолига сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда.

Йил охиригача яна бир нечта қўшма корхоналар қурилиб, маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Булар жумласидан «Яккабоғдонмаҳсулотлари» жамоа корхонасида Германиянинг «Лихотцк» фирмаси билан ҳамкорликда соатига 120 килограмм макарон, шунингдек, «Холсберг» фирмаси билан кунига беш юз килограмм қандолат маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлган ускуна ва жиҳозлар ўрнатиляпти. «Китобдон» ҳиссадорлик жамияти ушбу мамлакатнинг «Нагема» фирмаси билан арпа ёрмаси тайёрлайдиган жиҳозлар сотиб олишга шартнома тузишган. У ерда ҳам барча ишлар йил охиригача ниҳоясига етказилади. Бундай самарали ҳамкорликни йил сайин кенгайтириб бораверамиз. Чунки чет эллик сармоядорларнинг юртимизга қизиқиши қанча ортса, иқтисодимиз шунча мустаҳкамланаверади. Бу эса жаҳон талабларига мос, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқаришимизга имкон яратади.

— Вилоят ғаллакорлари бу йил баракали ҳосил етиштирдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, ғоят улкан майдондаги ҳосилни йиғиштириш ва қабул қилишда узилишларга йўл қўйилмади. Мавсум муддатида якунланди. Энди эса уюшма тасарруфидаги корхоналарда ишлар янада авж олди. Шу хусусда ҳам тўхталсангиз.

— Деҳқон катта меҳнат эвазига етиштирган ҳосилини нес-нобуд бўлишига йўл қўймай қабул қилиб олиш бизнинг вазифамиз. Вилоятимиз дон етиштиришда мамлакатда етакчи ўринлардан бирида эканлиги зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этиб иш юритишни тақозо этади. Муаммо ва камчиликларимизни обдон ўрганиб, пухта ҳисоб-китоб юритиб, мавсумга ҳар томонлама тайёргарлик кўргандик. Чунки воҳа заҳматкашлари давлат буюртмасига қўшимча йигирма тўрт минг тоннадан зиёд дон топширишди. Шунинг учун ҳам элеваторлар бизга жуда асқотди. Булар ҳар бирининг сиғими ўн саккиз минг тонна бўлган Ғузордаги «Эл ҳақи» ҳамда Шаҳрисабздаги «Дон халқ ризқи» очиқ ҳиссадорлик жамиятларидаги элеваторлардир. Улар замон талабларига мос тарзда қурилди. Усти ёпиқ, донни тўхтовсиз қабул қилиш, яхши сақлаш имкониятларига эга.

Бевосита ўзимизда амалга оширилаётган ишларга келсак, ўтган даврда тўқсон минг тоннадан зиёд ун ишлаб чиқарилди. Омухта ем, нон, қандолат ишлаб чиқариш режалари ҳам ортиғи билан бажарилди. Дарвоқе, яна бир янгилик, Қарши шаҳрининг «Эски бозор»ида чет элдан келтирилган жиҳозлар ўрнатилган новвойхона ҳам ишга туширилган эди. Қувончлиси, нонлар тандирдан узилиши биланоқ қўлма-қўл бўлиб кетяпти. Айтмоқчиманки, илғор технологияларни келтириш, изланишда гап кўп экан.

— Муродилла ака, уюшма ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоялаш, фаолиятингларни кенгайтириш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

— Саволингизга жавобни маиший хизмат соҳасидан бошласам. Негаки, қўшимча даромади бор корхонада ҳеч қачон узилиш, етишмовчилик бўлмайди. Ўтган давр мобайнида аҳолига миллион сўмликдан зиёд пуллик хизмат кўрсатилди. Бу борада айниқса «Дунё-М» ҳиссадорлик жамияти ва «Яккабоғдонмаҳсулотлари» жамоа корхонасида яратилган шарт-шароит, кўрсатилаётган хизмат, эндиликда амалга оширилаётган ишлар эътиборга моликдир. Ушбу корхоналарда профилакторий, сауна, сартарошхона, клуб, тикувчилик цехи, савдо дўконлари ишлаб турибди. Ёрдамчи хўжаликларда етиширилаётган гўшт, сут, асал, полиз ва сабзавотлар жамоа аъзоларига арзон баҳода сотилади. Яккабоғдаги корхона ишчи-хизматчиларига бепул тушлик ташкил этилган. Яқинда улар эллик гектар ер олиб, ўзлаштириш ишларини бошлаб юбордилар. Мақсадимиз, меҳнаткашларни арзон, сифатли чорва ва сабзавот маҳсулотлари билан етарли таъминлашдир.

- Келгуси режаларга ҳам тўхталсангиз.

— Улар жуда кўп. Насиб этса Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек чет эл технологиясини кўплаб олиб келиш, бунинг учун эса хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз. Бу ишларни йўлга қўйишга бизда ҳамма имкониятлар етарли. Юқори идоралар таклифларимизни қўллаб-қувватлашяпти. Керак пайтда ёрдам беришяпти. Бундан буён ҳам ислоҳотларни изчил давом эттирсак, шубҳасиз, бир-икки йилда қаддимизни буткул ростлаб оламиз. Бунга мустаҳкам замин яратилди. Дунё кўз ўнгида мустақил давлат сифатида дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтдик. Ўзбекистон салоҳиятини жаҳон кўрди, келажагига ишонди. Истиқлол туфайли ўз донимизга, беминнат нонимизга эга бўлдик. Шуларнинг қадрига етишимиз, асрашимиз шарт. Инсон учун бундан ортиқ давлат йўқ дунёда!

**Суҳбатдош:**
**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**

# ҲАМТОВОҚЛАР

(Боши 1-бетда)

Кейинги пайтда тумшайиб, қовоғидан қор ёғиб юрадиган бўлиб қолган раиснинг юриш-туриши ўзгарган. Мавсум даврида ҳосил тақдиридан бошқа уни нима ташвишга солиши мумкин?!

Ҳақиқатдан ҳам у нимадандир безовта. 1998 йил февраль ойида фаолиятини бошлаган раис эл назарига тушиш, обрў-эътибор топиш учун елиб югурди. Хўжалик кўрсаткичларини яхшилашда маълум ижобий натижаларга эришди ҳам. Айниқса, моддий жавобгар шахсларни обдон ўрганди. Баъзиларини ўзи танлаб ишга қабул қилди. Атрофига «ўзига мос» кишиларни тўплади. Ҳуллас Қойил Имомов ён-атрофидагилар билан қойил қилиб ишлаш ниятида енг шимарганди. Ҳозир унинг тунд, ташвишли чеҳрасига қараб кўпчилик ҳайрон.

Дала ишларига қўл силтаб ферма мудири уйига ташриф буюрган раис «ёрилди».

— Жўрақул ака, бу ёғи қандоқ бўлди? Оз эмас, кўп эмас 140 бош қўйнинг бошига сув қуйибмиз. Бу бозор нархида 957000 сўм бўлади. Юрагим нотинч, бир йўлини топиш керак. Текшир-текшир бўлиб қолса кирдикорларимиз очилиб қолиши тайин.

— Раис, шунинг ҳам ғамини ейсизми? Кўпчилик бўлиб каллани бир жойга қўйсак, ҳар қандай мушкулотнинг ечими топилади, — деди босиқлик билан ферма мудири. — Фақат ҳар бир ишда пухталик, тадбиркорлик, уддабуронликни унутмаслик лозим. Қоғозларни тўғрилаб қўйсак бўлди. Қани, ким бизга юрак ютиб даъво қилади?

— Дилимдагини топди-я, хумпар, — кўнглидан ўтказди раис. — Энди бош ҳисобчи ҳамда тафтишчининг юрагига ҳам қўл солиб кўриш лозим.

Қ. Имомов суянчиқ танлашда адашмаган экан. Улар ҳам раиснинг ишончли қалқонига айланишди.

* * *

Қаллоблик 1998 йилнинг 5 ноябрь ҳамда 12 декабрь кунлари аслида бўлмаган вакиллик йиғилишининг қалбаки баённомасини тайёрлашдан бошланди. Анча саводли, «мўмин-қобил» йигит — Ж. Намозовни чақиртирган раис мақсадни тушунтириб буюрди.

— Йиғилиш баённомасини шундай ёзингки, ишкали чиқмасин.

— Қандай бўларкан, ака, сохталиги билиниб қолса...

— Менинг айтганимни қил, жавобгарлиги ҳам менинг бўйнимда.

Иқтисодчи йигитнинг сўзини чўрт кесди раис. Зумда вакиллар йиғилишининг қалбаки баённомаси тайёрланди. Унда жамоа хўжалигининг 21 нафар аъзосига 38 бош — 220020 сўмлик 1998 йилги қўйлар берилганлиги кўрсатилди. 21 нафар аъзога 38 бош қўй иш ҳақи сифатида тарқатилганлигини тасдиқловчи қалбаки ведомост ҳам, юк хатлари ҳам тузилди.

Шундан сўнг ферма мудири Жўрақул Фармонов билан ўзаро жиноий тил бириктириб ўзлаштириб юборилган 65 бош — 520 минг сўмлик қўйлар ҳам жамоа хўжалигининг 29 аъзосига сўйилиб, иш ҳақи ўрнига тарқатилганлиги тўғрисида тузилган қалбаки ведомостни ҳам ҳеч иккиланмай тайёрлаб қўйишди. 29 нафар жамоа аъзоларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказилганлиги уларнинг парвосига келмади.

Жамоа хўжалигида сохталик, олғирлик, фирибгарлик кучайгандан кучайди. Ўзи хон, кўланкаси майдон мансаб эгалари шахсий манфаат, сохта обрў орттириш йўлида қинғирликнинг чигал кўчаларида анча елиб югуришди. Давлатга 1178000 килограмм дон етиштириш, 3 гектар ердан 60 тонна картошка етказиб бериш режасини бажариш йўлида амалга оширилган қаллобликлар ҳаммасидан ошиб тушди.

1998 йилда дон етиштириш бўйича жамоа хўжалиги билан 54 нафар пудратчи ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларнинг 39 таси ора йўлда қолиб кетди. Шартномага мувофиқ пудратчи белгиланган миқдорда маҳсулот етиштирмаган тақдирда топширилмаган дон маҳсулоти учун қилинган харажатларнинг 50 фоизини қоплаши лозим. Демак, жамоа хўжалиги 39 нафар пудратчидан қилинган харажат — 1526730 сўмнинг 50 фоизи, яъни 763365 сўмини ундириши лозим.

Лекин раис бундай йўл тутмади. У ўз хўжалигини илғорлар сафида кўришни истади, чоғи. Қоғозда бўлсада белгиланган режани бажаришга киришди.

Аслида етиштирилмаган 95166 килограмм миқдордаги 923108 сўмлик буғдойни жамоа хўжалигининг 69 нафар аъзоларига иш ҳақи ҳисобига тарқатилди, деб сохта ведомостлар туздирди. Уларга сохта маълумотлар киритди. Айни пайтда аъзоларни жамоа хўжалигидан қарздор этиб, уларни иш ҳақи олишдан маҳрум қилди. Оқибатда 69 нафар аъзонинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жуда кўп миқдорда яъни, 923108 сўмлик такроран зарар етказилди.

Картошка етиштириш мажбуриятини уддалай олмаган пудратчилар Нурия Бобоева ҳамда Рашид Баҳроновларга нисбатан ҳам худди шундай «усул» қўлланди.

Қойил Имомов жамоа хўжалиги аъзоларига иш ҳақи тақсимотида ҳам ўзининг ғаройиб «ихтиро»ларини ишлатгани кишини ҳайратга солади. Жамоа хўжалиги иқтисодий аҳволи, оддий меҳнаткаш турмуш тарзи уни умуман қизиқтирмаганига яна бир бор амин бўласан, киши. Бўлмаса хўжаликнинг жами 542 нафар аъзосига уларнинг 1997 йилдан хўжаликдан 1014021 сўм иш ҳақидан қарзи бўлишига қарамасдан уларни ундириш ўрнига яна мансабини суиистеъмол қилиб, иш ҳақи ҳисобидан аъзоларга 1267316 сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бериб, жамоа хўжалиги манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказармиди?!

Шу тариқа Қойил Имомов ўзининг жиноий ҳаракатлари билан жамоа хўжалигининг 140 бош 957000 сўмлик майда шохли молларини ўзлаштириш йўли билан, 5579010 сўмни эса мансабини суиистеъмол қилиб сохтакорлик йўли билан, фуқароларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ҳамда жамоа хўжалиги манфаатларига жуда кўп миқдорда, яъни 6562950 сўм зарар ва жиддий зиён етказди.

«Шаштли» раис Қойил Имомов ростакамига эмас, тескарисига «қойил» қилди. Ночор хўжалик санацияга тушди.

Раиснинг «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги саккиз ойлик фаолияти давомида амалга оширган қинғирликларига ҳеч ким монъелик қилмади. Ошиғи олчи бўлган қаллобнинг мушугини «пишт» дейишга бирор кимсанинг ҳадди сиғмади.

Ёки бу ҳамтовоқларнинг қинғирликлари жамоа ҳатлаб, ташқарига чиқмади дейсизми? Кетса давлатники кетибдида, деб қўл силташлар ана шундай ўпирилишга олиб келди.

Хўжаликнинг иқтисодий равнақи,тақдирига бевосита жавобгар бўлган корчалонлар — бош ҳисобчи, ферма мудири, тафтишчи эса унинг ғаламисликларини фош этиб шармисор қилиш ўрнига, қўлига сув қуйишдан чарчашмади. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб. «давру даврон келганда яйраб қолай», қабилида йўл тутдилар. Ғайриқонуний ишларини амалга оширишда кўмаклашдилар.

Қилмиш-қидирмиш, дейдилар. Ҳар бир ножўя босилган қадамнинг жавобгарлиги бор. Қолаверса, қонун-устуворлиги таъминланган мустақил юртимизда ҳар қандай ноқонуний ҳатти-ҳаракат жазосиз қолмайди. Шу маънода олий ҳакам — суд ҳамтовоқлар қилмишлари устидан одил ҳукм чиқарди. Қ. Имомов 10 йил, Ж. Фармонов — 9 йил 6 ой озодликдан маҳрум этилдилар. М. Баҳронов ҳамда С. Тўхтаевлар ҳам қилмишларига яраша тегишли жазога тортилдилар.

**Бобир СОБИРОВ,**
**Бухоро вилоят прокуратураси тергов бошқармаси прокурори, 3-даражали ҳуқуқшунос.**
**Дилмурод ЖАББОР,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

